

O‘zbekiston Respublikasi

Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi

SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta’lim

ilmiy–uslubiy jurnal

Samarqand

3(76)/ 2020

**Ministry of Higher and Secondary Special
Education of the Republic of Uzbekistan**

SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

FOREIGN PHILOLOGY

Language • Literature • Education

Scientific-methodology journal

Samarkand

Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим.

№3 (76), 2020.

Уч ойда бир марта чиқадиган илмий-услубий журнал

Муассис: Самарқанд давлат чет тиллар
институту

Таҳрир хайъати:

ТУХТАСИНОВ Илҳомжон (раис)
САФАРОВ Шаҳриёр (бош муҳаррир)
АШУРОВА Дилором
АШУРОВ Шаҳобиддин
ТУРНИЁЗОВ Неймат
РИЗАЕВ Баҳодир
(муҳаррир ўринбосари)
МИРСАНОВ Ғайбулла
НАСРУЛЛАЕВА Нафиса
ИСМОИЛОВ Салоҳиддин
КИСЕЛЁВ Дмитрий
ЯХШИЕВ Ашур (масъул котиб)

Жамоатчилик кенгаши:

БУШУЙ Татьяна
ГИЙОМ Оливье (Франция)
КИДА Цуйоши (Япония)
СИГМИЛЛЕР Стив (АҚШ)
УСМОНОВ Ўрол
ЖИАНГ Фенг (Хитой)
РАҲИМОВ Ғанишер
МИРЗАЕВ Ибодулло
КАРАСИК Владимир (Россия)

*Журнал Олий Аттестация комиссиясининг
филология фанлари бўйича эксперт кенгаши (2014
йил 10 мартдаги 2-сонли баённома) тавсияси билан
зарурий нашрлар рўйхатига киритилган.*

Таҳририят манзили:

Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93, СамДҶТИ.

Телефонлар: (998-662)233-78-43;

(998-662)231-13-42

Факс: (998-662) 210-00-18.

Email: ssifl_info@mail.ru

*Журнал Самарқанд вилоят матбуот ва
ахборот бошқармаси томонидан № 09-12 рақам
билан рўйхатга олинган.*

ISSN: 2181-743X; Индекс 1266.

Журнал 2001 йилдан чиқа бошлаган.

© Самарқанд давлат чет тиллар институти.

2020 йил.

Foreign Philology: Language, Literature, Education.

№3 (76), 2020.

Scientific-methodical journal

Founder: Samarkand State Institute of Foreign
Languages

Editorial Board:

TUKHTASINOV Ilhomjon (chairman)
SAFAROV Shahriyor (editor-in-chief)
ASHUROVA Dilorom
ASHUROV Shahobiddin
TURNIYOZOV Nemat
RIZAYEV Bakhodir
(vice editor)
MIRSANOV Gaibulla
NASRULLAEVA Nafisa
ISMAILOV Salohiddin
KISELYOV Dmitriy
YAKHSHIEV Ashur (executive secretary)

Public Council:

BUSHUY Tatyana
GUILLAUME Olivier (France)
KIDA Tsuyoshi (Japan)
SEEGMILLER Steev (USA)
USMONOV Ural
JIANG Feng (China)
RAKHIMOV Ganisher
MIRZAEV Ibodullo
KARASIK Vladimir (Russia)

*The journal is included in the list of required
publications according to the recommendation of the
expert council in filological sciences of Higher Attestation
Committee (Proceeding #2 from March 10, 2014).*

Address:

Samarkand, Bustansaray str. 93, SamSIFL.

Phone: (998-662) 233-78-43;

(998-662)231-13-42

Fax: (998-662) 210-00-18

Email: ssifl_info@mail.ru

*The journal is registered under No 09-12 by
Samarkand Regional Department of press and
information.*

ISSN: 2181-743X; Index 1266.

The journal has been published since 2001.

© Samarkand State Institute of Foreign Languages.

2020.



МУНДАРИЖА

МАҚОЛАЛАР

| | |
|---|----|
| Сафаров Ш. Сўз яшаш тизимлари қиёсига когнитив ёндашув | 5 |
| Санақулов У., Нуралиев Ғ. Лексик систем сифатида сўзларни гуруғларга ажратиш ўрганишда қўлланилган майдон атамаси хақида | 9 |
| Turobov A. Ogʻzaki va yozma nutq xususida | 15 |
| Каримова С. Зебуннисобегим ва Мохларойим Нодира шеърлятида тасаввуфий-ирфоний қарашлар талқини | 17 |
| Джумабаева Ж., Алаутдинова К. Особенности речевого этикета межпрофессионального сотрудничества | 22 |
| Пардаева З. Вопросы транскультурной парадигмы в мировой литературе | 27 |
| Ким О. Художественные искания социально-психологической драмы XX века | 37 |
| U Ayjun(吴爱荣) Liu Kun(刘鹗). Xitoy va oʻzbekiston moddiy folklorini taqqoslash | 43 |
| Сапарова К. Рус ва ўзбек тиллари фоностилистик воситаларининг ўхшаш ва ўзига хос хусусиятлари | 52 |
| Худойбердиева Д. К вопросу о словообразовательных способах выражения субъективной оценки (на материале русской прозы) | 57 |
| Бузрукова М. Бевосита ифодаланган илтимос нутқий актининг лисоний-маданий хусусиятлари | 63 |
| Арипова Г. Мусикий терминлар луғатини тузишда лингвистик ва соҳавий ёндашув | 69 |
| Юсупова Г. Основные признаки и закономерности моделирования художественного нарратива | 73 |

ИЛМИЙ АХБОРОТЛАР

| | |
|---|-----|
| Амриддинова Н. Оказионал номинацияларнинг асосий семантик турлари ва алмаштиришларни қабул қилишни шакллантириш механизмлари | 77 |
| Toʻxtamishev A. Xitoy tili “boʻlmoq” bogʻlamasining tahlili | 82 |
| Нуруллаева З. Форс – тожик тилидаги изоҳли луғатларнинг яратилиш сабаблари | 85 |
| Очилова Н. Замонавий илмий дискурсининг фарқли белгилари | 89 |
| Очилова Д. Реставрация даври инглиз адабиётида классицизм | 94 |
| Muxamedjanova Sh. Xitoy tilida 来[lái] va 去[qù] harakat yoʻnalishi feʼllari semantikasi | 98 |
| Йўлдошев У. Насрий таржиманинг ўзига хос муаммолари | 103 |
| Қодирова Б. Ўзбек ва козоқ тилларидаги фонетик терминларнинг қиёсий-типологик тахлили (мактаб дарсликлари асосида) | 110 |

ЁШЛАР МИНБАРИ

| | |
|--|-----|
| Ахмедова Г. Чет тилини ўргатиш жараёнида мотивациянинг ўрни | 117 |
|--|-----|

ТАҚРИЗ

| | |
|--|-----|
| Ҳасанов Ш. XX аср адабиёти талқинлари | 122 |
|--|-----|



CONTENTS

REPORTS

| | |
|--|----|
| Safarov Sh. Cognitive approach to the contrastive study of word – building systems..... | 5 |
| Sanakulov U., Nuraliyev G. About use of the term “field” in the study of words divided into groups of lexical system..... | 9 |
| Turobov A. Speech act: about oral and written speech | 15 |
| Karimova S. The interpretation of mystic and religious views in the poetics of Zebunnisobegim and Mohlaroyim Nodirabegim | 17 |
| Djumabayeva J., Alautdinova K. The peculiarities of speech etiquette of interprofessional cooperation..... | 22 |
| Pardaeva Z. Issues of transcultural paradigm in world literature..... | 27 |
| Kim O. Artistic search for social and psychological drama of the twentieth century..... | 37 |
| U Ayjun., Liu Kun. Comparison of the material folklore of China and Uzbekistan | 43 |
| Saparova K. The similarities and differences of phonostylistic means of the russian and uzbek languages | 52 |
| Xudoyberdiyeva D. To the question of word-formation methods of expressions of subjective assessment (based on Russian prose)..... | 57 |
| Buzrukova M. The linguocultural peculiarities of direct expression of request in speech act..... | 63 |
| Aripova G. Linguistic and special approach in compiling dictionary of musical terms..... | 69 |
| Yusupova G. The main features and patterns of modeling literacy narrative | 73 |

SCIENTIFIC INFORMATIONS

| | |
|---|-----|
| Amriddinova N. Basic semantic types of occasional nominations and mechanisms of forming substitute device..... | 77 |
| Tuxtamishev A. The analysis of the auxiliary verb with the meaning “to be” in the Chinese language | 82 |
| Nurullayeva Z. History of compiling Persian-Tajik dictionaries | 85 |
| Ochilova N. Different features of modern scientific discourse..... | 89 |
| Ochilova D. Classicism in the English literature of Restoration period..... | 94 |
| Muhamedjanova Sh. Semantics of the verbs of action 来 [lái] and 去 [qù] in the Chinese Language..... | 98 |
| Yo’ldoshev U. The problems of prose translation..... | 103 |
| Kadirova B. Comparative analysis of the phonetic terms of the Uzbek and Kazakh languages..... | 110 |

THE YOUTH’S TRIBUNE

| | |
|---|-----|
| Ahmedova G. The role of motivation in the process of teaching a foreign language | 117 |
|---|-----|

CRITICAL REVIEW

| | |
|--|-----|
| Xasanov Sh. Interpretations of the literature of the XX century | 122 |
|--|-----|



ЛЕКСИК СИСТЕМ СИФАТИДА СЎЗЛАРНИ ГУРУҒЛАРГА АЖРАТИБ ЎРГАНИШДА ҚўЛЛАНИЛГАН МАЙДОН АТАМАСИ ҲАҚИДА

Сапакулов Усмои Субҳонович,

СамДУ профессори

Нуралиев Ғолибжон Қурбонбоевич,

СамДУ тадқиқотчиси

Калит сўзлар: магнит, майдон, кўлам гуруҳ, периферик, конституент, ядро, семантик майдон, парадигматик, синтагматик ва комплекс, ассоциатив майдонлар, гиперсема.

Физикадаги магнит майдони назарияси асосида XX асрга келиб тилшуносликда ҳам майдон тушунчаси кириб келди. Ф.С.Сафаровнинг тадқиқотида тилшуносликдаги майдон тушунчаси куйидагича таърифланади: Майдон тушунчаси дастлаб физикада вужудга келган бўлиб, атама сифатида бирор физик ходиса рўй берадиган фазо деган маънони ифодалайди. Тилшуносликда майдон атамаси умумий (инвариант) маъно асосида бирлашиб, ўзаро муносабатга киришадиган лисоний ва нолисоний воситалар системасига нисбатан ишлатилади.

Аслида лексик майдон назарияси биринчи марта немис олими Ж.Триер томонидан 1931 йил 12 мартда маълум қилинган. Триернинг айтишича сўзлар бошқа бир, яъни ўша майдонга дахлдор бўлган сўзларга бўлган муносабати орқали ўз маъносини яратади. Бир майдонга тегишли бўлган сўзларнинг бирининг маъноси кенгайиши натижасида бошқа бир сўзнинг маъносининг торайишига олиб келади. Агар маълум сўз семантик ўзгаришга дучор бўладиган бўлса, лексик майдондаги барча сўзлар мазмуни ўзгаради Триернинг назарияси бўйича лексик майдон бу осон аниқланадиган ёпиқ йиғинди бўлиб унга ҳеч қандай бошқа бир маъно кўшиш мумкин эмас.

Маълум тушунчани грамматик ва лексик бирликлар воситасида ифодаланишига грамматик лексик майдон дейилади. Бу категорияга биноан бирор умумий маъно бир-бири билан алоқадор бўлган лексик ва грамматик бирликлар

воситасида ифодаланади. Масалан, Е.В.Гулига ва Е.И.Шендельс кўрсатишича, кўплик майдон (поле множественности) ҳозирги немис тилида куйидагича ифодаланади:

- 1) отнинг кўплик формаси билан;
- 2) от билан мослашувчи сифат ва сифатдошнинг формаси билан;
- 3) эга вазифасида келувчи от (ёки олмош) билан;
- 4) сон билан;
- 5) миқдор олмоши билан;
- 6) кўплик сондаги кишилиқ олмоши билан;
- 6) жамловчи отлар билан (3. стр. 19.) каби.

Грамматик лексик майдон бошқалардан ўзининг бирмунча муккамаллиги билан фарқ қилади, аммо, у ҳам бир тил системаси учун хизмат қилади. Демак, бу атама Г.Ипсон, Ж.Триер, В. Порциг, Л. Вайсбергер, А. Йоллес каби немис тилшунослари номи билан боғлиқ бўлиб, 60-йиллардан бошлаб рус тилшунослигида М.М.Гухман, Е.В.Гулига, Е.И. Шендельс, А.В.Бондарко каби олимларнинг асарларида қўлланилган.

Ўзбек тилшунослигида тил лексик системасидаги сўзларни гуруҳларга ажратиб ўрганишда 80-йиллардан бошлаб майдон тушунчаси қўлланила бошланди. Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида майдон атама кенг ўрин ола бошлади. Масалан, М.Абдувалиев синтактик тўсиқсизлик майдони, Ш. Искандарова тил системасига майдон асосида ёндашув, Ҳ.Ҳожиева ўзбек тилида ҳурмат майдони, Я.И.Авлақулов ономастик майдони ҳақида



фикр юритишганда бу атамадан фойдаланганлар. Лекин, майдон чегараси ҳамда унинг тузилиши тилшунослар томонидан турлича талкин қилинган.

Таъкидлаш лозимки, Я.И.Авлоқулов **майдон** тушунчасини ўз тадқиқотида маъқул кўрса-да, бу атама ўрнида **кўлам** ва **бирликлар** терминларини кенг қўллаган. Тадқиқотчи бу атамани рус тилидаги “пространство”нинг тажмаси сифатида караган. Бизнингча, бу нотўғри таржимадир. Русча-ўзбекча луғатда бу атама **жой, майдон, кенг сатх** шаклларида таржима қилинган.

А.Х.Тўрахожаева диссертациясининг биринчи бобида “Майдон назарияси ва ижтимоий-сиёсий лексиканинг ўзаро муносабати” масаласида махсус фикр билдирилган ҳамда тадқиқотнинг иккинчи боби “Давлат бошқаруви” микро майдонининг лексик-семантик хусусиятлари”, учинчи бобини ҳам “Ижтимоий-сиёсий муносабатлар” микро майдонининг лексик-семантик хусусиятлари” деб номлаган. Демак, диссертация ижтимоий-сиёсий лексемаларнинг семантик майдони “давлат бошқаруви” ва “ижтимоий-сиёсий муносабатлар” каби микро майдонларга ажратилган. Бу микромайдонлар ўз новбатида лексик-семантик гуруҳларга бўлиб таҳлил этилган (6. 14-17-бб.(-26 б.).

Ўзбек тилшунослигида тил лексик системасидаги сўзларни гуруҳларга ажратиб ўрганишда 80-йиллардан бошлаб майдон тушунчаси қўлланила бошланди. Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида майдон атама кенг ўрин ола бошлади. Кузатувлар шуни тасдиқлайдики, хақиқатан ҳам, сўнги даврларда замонавий тилшуносликда, тил лексик системасидаги сўзларни **кўлам** гуруҳларга ажратиб ўрганишда майдон тушунчаси кенг тарқалаёпти (7. 25 б.). Майдон концепцияси семасиологияда пайдо бўлган бўлиб, замонавий тилшуносликда алоҳида тил майдонлари ва бутун бир тилнинг умумий характеридаги майдони сифатида тадқиқ этилмоқда. Олиб борилаётган тадқиқотлар

майдон моделининг тил тизимида самарали эканлигини кўрсатаёпти. Тил тизимида бир бутун ажралмас майдонда бир қанча майдонлар мавжуд ва бу майдонлар ўзининг кўп даражали периферик зоналари орқали бири-бирига ўтади. Тилнинг майдон коцепцияси бир қатор хусусиятларга эга. Чунончи,

1.Майдон коцепцияси тушунарли кучга эга;

2. Методологик қийматга эга;

3. Майдон метод доирасида амалий тадқиқотларни тил тизимидаги уюшмаларини асослаб беради, яъни майдон принципи тил хусусиятларини ва категорияларини, ўзининг лексик маъносини таҳлил қилишда ишлатилади.

Адмони (1964), Гулыга, Шендельс (1969), Бондарко (1971, 1972, 1983), Кузнецова (1981) каби олимларнинг тадқиқотларида кўрсатилишича майдон коцепциясининг асосий ҳолатлари қуйидагилар билан белгиланади.

Майдон бу инвентар элементларнинг бир-бири билан систем муносабатлар билан боғлайди;

Майдонни ташкил қилган элементлар семантик умумийликка эга бўлиб, тилда бир хил вазифани бажаради;

Майдон бир сўз туркумига (бир турдаги) ва турли сўз туркумларига мансуб бўлган элементларни бирлаштиради;

Майдон ташкилий қисмлардан - иккитадан кам бўлмаган микро майдонлардан иборат;

Майдон вертикал ва горизонтал уюшмага эга. Вертикал уюшма микро майдонлар структураси, горизонтал уюшма микро майдонларнинг ўзаро муносабатидир;

Майдон таркибида ядро ва ундан узокда (периферик)конституентлар (таркибий қисм)га ажралади. Ядро доминант компоненти атрофида бирлашади;

Ядроли конституент майдон вазифасини бир хил ҳолатда бажаради, бир неча частоталар бошқа конституентлар билан қиёсланади ва мазкур майдон учун аҳамиятли ҳисобланади.



Ядро ва периферия (ташки қисм) ўртасида тақсимлаш вужудга келади, майдон бажарадиган функцияларнинг ярми ядрога ва ярми периферияга тушади. Ядро ва периферия ўртасидаги чегара йўқолади.

Майдон конституенти битта майдон ядросига тегишли бўлиши мумкин.

Тенг бўлган майдонлар қисман бири-бири устига қўйилади ва кейинчалик бири-бирига ўтиш учун зона ташкил килади. Бу ҳолат тил системасида майдон қонуни ҳисобланади (5. С, 67.).

Шундай қилиб, майдон тилшуносларнинг катта қизиқишига сабаб бўлмоқда. Тил кўринишларини изоҳлаш учун майдон анча самарали усул ҳисобланади, чунки у тил тизимининг уюшмаларини аниқлашга ёрдам беради. Тил кўринишлари орасидаги алоқа, яъни майдон уюшмаси ғояси биринчи марта юқорида номлари тилга олинган немис олимлари (хусусан, Г.Ипсен, Ж.Триер, В.Порциг) ишларида учрайди. Улар ўз ишларида майдонни лексик материалларга нисбатан қўллашган. Кейинчалик бу атама умуман тил тизимининг умумий қонуниятига нисбатан қўлланила бошланди. Майдон назариясини лингвистикада қуйидагича талқин этиш мумкин:

Жаҳон илмий адабиётларида кўпгина майдон назариялари мавжуд. Тадқиқотчилар Потенбня, Покровский, Мейер, Шперберг, Ипсен тил бирликлари ва семантик майдон ўртасидаги семантик қонуниятларни фарқлашади.

Р. Мейер семантик майдони 3 турга ажратади.

1. Табиий мавжудотга хос (дарахт, хайвонлар номлари, тана қисмлари, ҳиссиёт аъзолари ва бошқалар).

2. Сунъий (ҳарбий чинлар номлари, механизмларнинг таркибий қисми).

3. Ярим сунъий (овчилар ва балиқчилар терминологияси, этика тушунчалари).

Семантик бўлиниш бу маълум ибораларнинг бирон-бир семантик белгисини билдиради. Бу ҳолатни олим дифференция фактори деб атади. Р.Мейер

фикрича, семасиологиянинг вазифаси ҳар бир сўзнинг у ёки бу тизимга тегишлилигини аниқлаш ва тизимни ташкил этувчи дифференция факторини топишдир.

Лексиканинг кейинги тадқиқотлари Ж.Триер билан боғлиқ, у семантик майдон терминини биринчи марта ишлатди. Кейинчалик бу термин Г.Ипсен ишларида қўлланилди. Семантик майдон- умумий маъно билдирувчи сўзлар мажмуаси деб қаралади. Ж.Триер назарияси бўйича у ёки бу тилга тегишли бўлган сўз маълум маъно ташувчиси эмас, уларнинг ҳар бирининг маъно касб этиши, бошқа сўзлардаги маънолар билан боғлиқлидир. Ж.Триер лексик ва майдон тушунчаларини фарқлайди. Унинг назарияси бўйича майдон элементар бирликлардан тушунча ва сўздан иборат, сўз майдонининг таркибий компоненти тушунча майдони доирасини тўлалигича қоплайди. Ж.Триернинг назарияси кўп танқидларга учрайди, лекин шунга қарамай, унинг ғоялари кейинги майдон структуралари яратилишида муҳим сабаб бўлди.

Семантик майдонни ўрганишнинг икки хил йўли пайдо бўлган. Л.Вейсберг, К.Ройнинг каби олимлар тил лексик бирликлари ўртасидаги парадигматик майдонни таҳлил қилишса, В.Порциг каби олимлар майдоннинг синтагматик муносабатини таҳлил қилишди. Шунингдек, комплекс майдонлар ҳам ўрганила бошланди, яъни парадигматик ва синтагматик муносабатлар майдони талқин қилинади.

Парадигматик майдон.

Парадигматик майдонга лексик бирликларнинг турли синфлари, маънодош белгиларнинг у ёки бу ўхшашликлари, сўзларнинг лексик-семантик гуруҳлари (ЛСГ), синонимлар, антонимлар, семантемалар, сўз ясовчилар, сўз туркумлари ва уларнинг грамматик категориялари қиради. Лексик семантик гуруҳ бўйича Л.Вейсгербер, Г.Ипсен, К.Ройнинг, Э.Оскар, О.Духачек, К.Хейзе, А.А.Уфимцева, В.И.Кодухов ва бошқалар фикр юритишган. Улар замонавий инглиз ва немис тилларини тадқиқ қилиб



кесишадиган гуруҳлар мажудлигини айтиб ўтадилар. Улар от билан бир қаторда бошқа сўз туркумларини, шу жумладан, предлоглар, боғловчилар, хурсандликни ифода этувчи грамматик воситаларни ҳам тахлил қиладилар. ЛСГ назарияси Л.Вейсгербер, Ф.П.Филин ва С.Д.Канцельсон ишларида чуқур кузатилади. Л.Вейсгербернинг концепцияси Ж.Триернинг концепциясига яқин, у ҳам сўзнинг маъноси майдоннинг мустикал бирлиги эмас, балки структурал компоненти деб ҳисоблайди. Сўз майдони бир бутун ҳисобланади, шунинг учун унинг алоҳида бир компонентини тушунишда бутун майдонни тасаввур қилиш ва унинг тузилишида ушбу компонент ўрнини топиш керак бўлади. Ҳар бир халқ ташки оламини ўзича англайди, борлиққа ўз қарашлари билан қарайди, шу сабабли турли тилларнинг семантик принциплари бир-бирига мос келмайди, луғат таркибининг бўлинишини ўша тил майдонида излаш керак бўлади.

Синтагматик ва комплекс майдонлар. Синтагматик майдон термини (синтактик поле) тилшуносликка В.Порциг томонидан киритилган бу термин асосида сўз бирикмалари ва синтаксис комплекслар тушунилган. Синтагматик майдон икки хил гуруҳни маълум қилади.

1. Сўзлар синтагмага фақатгина ўзларининг умумий синтагматик схемалари орқалигина бирикади. Яъни семантик мослашув;

2. Сўзлар синтагмага фақатгина ўзларининг умумий норматив валентлик хусусиятларига (лексик, грамматик мослашув) кўра бирикади. Рус лингвисти Л.М.Васильев комплекс майдон турини ҳам ажратади. Унинг фикрича синтагматик ва парадигматик майдон мазмуний майдонларнинг комплекс майдонини вужудга келтиради (2. стр.104.).

Ассоциатив майдон.

Тилшуносликда кенг тарқалган термин бўлиб, Ш.Балли томонидан киритилган. Бу термин психологияда семантик майдон терминига синоним сифатида қўлланилади. Бу терминга XX аср

бошларига келиб аҳамият берила бошланди. Бу билан биринчилардан бўлиб АҚШ ҳамда Германия тиббиёт ходимлари ва психологлари шуғулланишди.

Шундай қилиб, олимлар классификация белгисидан келиб чиқиб, майдонни турли типларга ажратишади: лексик-семантик майдон, лексик-семантик гуруҳ, тематик қатор, синтагматик, комплекс, ассоциатив ва бошқалар. Ҳозирги вақтда уларни ажратишда умумий белгига эга бўлган ягона бир типология мавжуд эмас. Юқорида айтиб ўтилган барча майдонлар ҳақида умумий маълумот берилди. Ушбу ўринда **лексик-семантик майдон (ЛСМ)** ҳақида қисқача бўлса-да, махсус фикр билдириш лозим бўлади.

ЛСМ термини тишуносликда умумий семантик белги билан боғланган тил бирикларининг мажмуасини билдиради. Аввал бу сўз бирикларига фақатгина сўзлар киритиларди, кейинроқ тилшунослик ишларида бу майдонга сўз бирикмалари ва гаплар киритила бошланди. Лингвист Е.И.Диброва бу терминга қуйидагича таъриф беради: “ЛСМ - тилда маълум семантик доирани акс эттирадиган, бир турдаги мазмун касб этадиган сўзларнинг иерархик уюшмасидир. Семантик майдон тузилиши қуйидагилардан иборат.

Ядро майдон гиперсема (юқори тартиб) орқали кўрсатилган. **Гиперсема**-юқори тартибдаги семантик компонент ўз атрофида майдоннинг семантик кенгайишини таминлайди.

Майдон маркази интеграл ядро билан умумий дифференциал маънога эга бўлган бириклардан ташкил топади.

Периферия майдон ядродан мазмун жихатдан анча узок бўлган бириклардир. Периферик бириклар контекстал маънога эга бўлиши мумкин.

Хусусан, И.И.Чумак лексик-семантик майдон (СМ)нинг тўлиқрок хусусиятларини кўрсатган:

1. СМ ҳеч бўлмаганда битта умумий компоненти (ёки умумий семантик белгиси) бўлган кўплаб маънолардан ташкил топади, яъни умумий маънога эга бўлган лексемадир.



2. ЛСМ да микро майдонлар ажралади. Микро майдоннинг ташки тузилиши битта ядро ва бир нечта бўлимлардан ташкил топади. Ҳеч бўлмаганда бу бўлимларнинг биттаси ядрога яқин (периферия) бўлади, бошқа бўлимлар эса узок (периферия) хисобланади.

3. Майдоннинг ички тузилиши семантик бирликлар корреляцияси тўпламидан ташкил топади.

4. Майдонга элементларнинг бир-бирини аниклаши баъзи пайтда эса ўрнини алмашилиш хусусиятига хос бўлади.

5. ЛСМ бир-биридан изоляция килинган. Ўзининг кўп маънолиги сабабли ҳар бир сўз кўпинча маълум ЛСМга киради.

6. Бир СМ бошқа юкори даражадаги СМ таркибига кириши мумкин (8.стр 40.).

Шундай қилиб ЛСМ маълум сўзлар (сўз бирикмалари) бир майдон ядросига бирлаштирилган гуруҳни ташкил қилади. ЛСМ ўзида маъно жихатидан ядродан турли масофада жойлашган (узок ва яқин периферия) бирликларни акс эттиради. Бир ЛСМ белгисига майдон асосига кўра бошқа ЛСМ таркибига кириши мумкин. Масалан, **хан** сўзи жинс белгисидан эркак ЛСМга, лавозим ва мансаб хусусиятига кўра ҳукмдор маъносини англатувчи лексемага ва ўз навбатида бу майдон давлат тизими ЛСМ таркибига киради.

Ўзбек тилшуноси А.Х.Тўрахожаева ҳам юкорида номлари қайд этилган олимлар каторида ижтимоий-сиёсий ЛСМ

ҳақида муҳим фикрларни баён этган. Унинг ёзишича, “Ижтимоий-сиёсий” архисемаси асосида бирлашган лексик бирликлар яхлит бир майдонни ташкил қилар экан, бу майдонга мансуб барча лексемалар семасида “ижтимоий-сиёсий” интеграл семаси иштирок этади. Ҳар бир майдон аъзосида такрорланувчи мазкур сема бу лексемаларни бир майдонга бирлаштириш имконини беради.

Ижтимоий-сиёсий луғавий бирликларни маълум ЛСГ (лексик-семантик гуруҳлар)га ажратишда компонент таҳлилга асосланади. Гарчи компонент таҳлилида алоҳида олинган сўз эмас, балки тўлиқ таркибидаги ЛСГга эътибор қаратилса-да, бундай таҳлил “охир-окибатда алоҳида сўзларнинг маъно ҳажмини, унинг барча ҳолатларда намоён бўладиган семантик хусусиятларини аниклаш” (1. 151-б)имконини беради (6. 15-б.).

Хуллас, тил лексик системасидаги сўзларнинг гуруҳларга ажратиб ўрганишда юкорида қайд этилган турли атамалар қўлланилиб келинмоқда. Ўзбек тилшуносларимиз **қатлам, майдон, кўлам** каби атамаларининг биттасини танлаб фойдалансалар маъқул бўларди. Тўғрироғи, бизнингча, майдон атамаси маъқулдир. Лекин, тилшуносликда бу масалага ҳали муайян ҳулосага келинмаган. Шунга қарамай, мазкур мақоламизда лексик бирликларни ўрганишда майдон атамасидан фойдаланишни лозим кўрдик.

Адабиётлар

1. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: Таҳлил методлари ва методологияси.-Т.: “Фан”, 2007, 151-б.
2. Васильев Л.М. Теория семантических полей. –М.: //Вопросы языкознания, -№5, 1971. 1971. С. -104.
3. Гулыга Е.В., Шендельс Е.И. Грамматико-лексические поля в современном немецком языке.-М.:1969.С, 183.
4. Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндошув.-Т.: “Фан”, 2007 -151 б.
5. Кузнецов А.М. Структурно-семантические параметры в лексике.-М.: 1989.С, 146.
6. Тўрахожаева А.Х. Мустақиллик шароитида ўзбек тили ижтимоий-сиёсий лексикасининг таракқиёти.-Т.: Филол. фан.номзоди дисс... автореф., 2012 .-26 б.
7. Ҳожиева Ҳ. Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лингвистик-нуткий хусусиятлари. Филол. фан.номзоди дисс... автореф. Самарканд: 2001 .-25 б.



8. Чумак-Жунь И.И. Лексико-семантическое поле цвета в языке поэзии И.А. Бунина: состав и структура, функционирование // Автореферат док. филол. наук. – Киев: С-40.

Sanakulov U., Nuraliyev G. About use of the term “field” in the study of words divided into groups of lexical system. In the Uzbek linguistics the concept of the field began to be used in the 80’s in classifying words in the lexical system of the language. In the recent years the term has also become increasingly popular in the Uzbek linguistics. But at the same time, other terms are also used along with this term. Therefore, the use of the term “field” in the linguistics has not yet been decided. Nevertheless, there is some consensus on the use of the term “field” in the study of these lexical units. In this article we have interpreted the term “field” and made some remarks.

Саакулов У., Нуралиев Г. Об использовании термина «поле» в изучении слов, разделенных в группы лексической системы. В узбекской лингвистике понятие «поле» стало использоваться в 80-х годах при классификации слов в лексической системе языка. В последние годы этот термин также становится все более популярным в узбекской лингвистике. Но в то же время другие термины также используются вместе с этим термином. Поэтому, последнее слово насчет использования термина «поле» в лингвистике еще не сказано. Тем не менее, существует определенный консенсус относительно использования термина «поле» при изучении этих лексических единиц. В этой статье мы интерпретировали термин «поле» и сделали несколько замечаний.



XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta'lim

Ilmiy-uslubiy jurnal

Samarqand

FOREIGN PHILOLOGY

language • literature • education

Scientific-methodology journal

Samarkand

| | | |
|-----------------|---|-----------------------------|
| Мухаррир | – | С. Каримова |
| Техник мухаррир | – | Ё. Қаршибоев |
| Сахифаловчилар | – | З. Усманова, Ш. Абдурахимов |

Самарканд давлат чет тиллар институти нашр-матбаа маркази:

Самарканд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93.

Босишга рухсат этилган 10.10.2020.

Адади 200 нусха. Қоғоз бичими А4.

Буюртма № 245. Times гарнитураси.



“XORIJIY FILOLOGIYA” ILMIY-USLUBIY JURNALIGA MAQOLALARNI TAQDIM ETISH TARTIBI

Nashrga original, ilgari nashr qilinmagan maqolalar va jurnal mavzusiga mos keladigan materiallar qabul qilinadi. Original maqolaning hajmi 10-12 betdan oshmasligi kerak. Maqola Microsoft Word dasturi, «Times New Roman» shrifti, 14 kegl, sahifa maydoni barcha tomondan 2 sm va 1,5 intervalda rasmiylashtirilishi kerak.

Oo'lyozmaning nomi:

Maqola va boshqa materiallar sarlavhasi yetarlicha qisqa, mazmunga muvofiq va 13 so'zdan oshmasligi kerak.

Mualliflar:

Mualliflarning nomlari quyidagi tartibda to'liq qayd etilishi kerak: familiyasi, ismi, keyin uning otasining ismi, ikki yoki undan ortiq mualliflar uchun vergul bilan ajralib turiladi. Oxirgi muallif qolgan muallifdan «va» so'zi bilan ajratilishi kerak.

Muallif (lar) ning ish joyi:

Ushbu ma'lumot quyidagi tartibda taqdim etilishi kerak: institut, shahar va mamlakat. Muallif o'zining pochta manzili, telefon raqami, faks raqami (agar mavjud bo'lsa), elektron pochta manzilini keltirib o'tishi kerak.

Annotatsiya va kalit so'zlar:

Agar maqola o'zbek tilida yozilgan bo'lsa, annotatsiya rus va ingliz tillarida; maqola rus tilida yozilgan bo'lsa, annotatsiya o'zbek va ingliz tillarida, xorijiy mualliflar uchun esa annotatsiya rus va o'zbek tillarida qisqa va aniq bo'lishi kerak. Annotatsiya “Adabiyotlar” dan keyin, 8-10 ta *kalit so'z va iboralar* maqolaning boshida muallif nomidan keyin ko'rsatilishi kerak.

Maqolaning mazmuni

Maqolaning *asosiy qismida* tadqiqot jarayoni va erishilgan natijalarning batafsil bayoni beriladi.

Adabiyotlar ro'yxati:

Adabiyotlar ro'yxati GOST R 7.0.5.-2008 talablariga javob berishi kerak. (Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу).

Matn ichidagi adabiyotlarga havolalar kvadrat qavs ichida muallifning familiyasi, nashr yili va sahifasi tartibida beriladi. [Bo'ronov 2002: 3]. Agar havolada bir nechta adabiyotdan foydalanilganligi ko'rsatilsa ular nuqtali vergul bilan ajratiladi [Safarov 2018: 30; Hakimov 2013: 76].

Maqolada *foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati* matn oxirida, alfavit tartibida “Adabiyotlar” sarlavhasi ostida beriladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxatida oxirgi 10 yilda chop etilgan ishlar berilishi maqsadga muvofiqdir. Ilmiy maqoladagi adabiyotlar ro'yxati 10 tadan, adabiyotlar sharhi esa 20 tadan oshmasligi kerak.

Adabiyotlar ro'yxatini rasmiylashtirish bo'yicha namunalar:

Monografiya

Bushuy T., Safarov Sh. Til qurilishi: tahlil metodlari va metodologiyasi. –Toshkent: Fan, 2007. – 234 b.



Roget P.M. Roget's Thesaurus of English Words and Phrases. London: Penguin books, 2000. 810 p.

Jurnaldan maqolalar

Трегубов, А.Н. О возможностях использования метода бинарного семантического анализа лексики // Вестник ВЭГУ. - 2009. - №3(41). - С. 97-103.

Cornish F. Relations de coherence et anaphores en contexte inter-phrastique: une symbiose parfaite // Langages, 2006, 40e annee, n°163. P. 37-55.

To'plamlardan maqolalar

Маджаева С.И. Термин как когнитивная единица научного текста / Термины в коммуникативном пространстве. Астрахань: Изд. Астраханского гос. мед. унив., 2017. С. 237-240.

Dissertatsiya

Гуреева Е.И. Спортивная терминология в лингвокогнитивном аспекте: дис. ... канд. филол. наук. Челябинск, 2007. 175 с.

Internet-manbalar:

Kipling R. The Ballad of East and West [Электронный ресурс] // Kipling Society: [сайт]. URL: http://www.kiplingsociety.co.uk/poems_eastwest.htm (дата обращения: 24.01.2017).

Jadval va rasmlar

Maqolada jadval, formula, rasm va grafiklar bayon qilinadigan jarayonni matn shaklida berish imkoniyati bo'lmagan holda berilishi maqsadga muvofiq. Barcha obyektlar oq-qora shaklda rangsiz bo'lishi kerak. Barcha formulalar Microsoft Equation komponentidan foydalangan holda yoki aniq rasmlar shaklida rasmiylashtirilishi kerak.

Qisqartmalar va belgilar

Faqat standart qisqartmalardan foydalaning. Maqolaning sarlavhasida va annotatsiyalarida qisqartmalardan foydalanmang. Qisqartma matnda birinchi marta ishlatilishdan oldin (standart o'lchov birligidan tashqari) bo'lishi kerak.